

ТУЙЧИЕВА Ҳамида

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий-
фанлар кафедраси доценти,
юридик фанлар номзоди
x.tuychieva@iiaau.uz

ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ НОРМАТИВНЫХ ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В ОБЩЕСТВЕ

THE ROLE OF NORMATIVE LEGAL DOCUMENTS IN IMPROVING LEGAL CULTURE IN SOCIETY

Аннотация: Мақолада ҳуқуқий давлатни барпо этишида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхон бўлишини талаб этиши, шахснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ҳуқуқий саводхон бўлиши, ҳуқуқий онгни шакллантириши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид ҳуқуқий билим, қўникма ва малакага эга бўлиши жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим ҳисобланиши каби масалалар баён этилиб, унинг ҳуқуқий жиҳатлари асослаб берилган.

Калим сўзлар: Конституция, давлат, жамият, ҳуқуқ, давлат органлари, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий маданият, қонунийлик, фармон, қарор, буйруқ, шахс, ошкоралик, илмийлик, ижтимоий муносабатлар, тизимлилик.

Аннотация: В статье говорится, что повышение правовой культуры в построении правового государства требует от каждого человека юридической грамотности, юридической грамотности человека в вопросах нормативных правовых актов, формирования правового сознания, наличия юридических знаний, навыков и квалификации в области правового регулирования. А также обоснованы его правовые аспекты.

В статье рассматриваются такие вопросы, как повышение правовой культуры при построении правового государства, требующие от каждого человека быть юридической грамотности человека в вопросах нормативных правовых актов, формирования правового сознания, наличия юридических знаний, навыков и квалификации в области правового регулирования. А также обоснованы его правовые аспекты.

Ключевые слова: Конституция, государство, общество, закон, государственные органы, закон, нормативно-правовые документы, правовая культура, законность, указ, решение, приказ, личность, прозрачность, научность, общественные отношения, системность.

Annotation: The article states that raising the legal culture in building a state governed by the rule of law requires everyone to be legally literate, a person to be legally literate about normative legal acts, to form legal consciousness, to have legal knowledge, skills and qualifications on normative legal acts. such issues are described and its legal aspects are substantiated

Keywords: Constitution, state, society, law, state bodies, law, normative legal acts, legal culture, legality, decree, decision, order, person, transparency, scientific, social relations, systemic.

КИРИШ

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммолар бартараф этилмоқда.

Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳалари каби ҳуқуқ тизимида айниқса ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида туб ўзгаришлар бўлмоқда.

Миллий қонунчиликнинг янгиланиши билан боғлиқ нормаларни ҳуқуқий мушоҳада қилиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгини тубдан

ўзгаришини талаб этади. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақида қанчалик тугал ва мукамал назарий фикрлар билдирилмасин, уларни шахс ҳуқуқий онгига сингдириш борасида мунтазам ҳамда тизимли иш олиб борилмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳуқуқий саводхонлик ва билимларни амалий ҳаётда қўллай олиш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг мазмун-моҳиятига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳуқуқий таълим ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қилишини таъминлашнинг зарурий шarti ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида 2019 йил 9 январда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони [3] қабул қилинди.

Ушбу Фармонда ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кабилар вазифа қилиб белгиланди. Бу эса қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини билиб олиш, қонунда белгиланган нормаларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак” [4].

Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тегишли соҳаларга оид нормаларни белгилар экан, ушбу нормаларни барча шахслар ўрганиб, уни ҳаётга тадбиқ этишлари лозим.

Давлат бошқарув жараёнининг мураккаблиги ва серкирралигига мувофиқ равишда идоравий иш юритиш ҳужжатлари ҳам хилма-хил ва миқдоран жуда кўп.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг (баён этишнинг) асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий тури.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим соҳаси ҳам тартибга солинади. Таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим воситаси — таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, уни қўллаш, амалиётга тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Таълим тизимидаги қонунчиликнинг ҳолати, бошқа соҳаларда бўлгани каби янги қонунлар қабул қилинаётганлиги ва уларнинг амал қилаётганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу қонунлар йиғиндиси қонунчиликнинг янги тармоғи - таълим қонунчилигини ташкил этмоқда.

Давлатимизнинг таълим соҳасидаги амалий фаолияти унинг кўп қиррали фаолиятида муҳим ва мустақил функция сифатида намоён этилмоқда. Таълимга оид норматив-ҳужжатлар фуқаронинг таълим олишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ривожлантиришга ёрдам беради [5].

2020 йил 20 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни [2] барча шахслар, давлат органлари, давлат хизмати фаолиятида қонун ва қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқий маъносини билиб олиш, улардан фойдаланиш борасида муҳим ҳисобланади. Ушбу қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари белгилаб берилган. Норматив -ҳуқуқий ҳужжатларнинг

тушунчасини билиш, унинг турларини ажратиб олиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўғри ёндашишга қўмаклашади.

Қонунга қўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат қўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат тушунилади.

Қонуннинг асосий принципларига конституциявийлик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги, ошқоралик, илмийлик, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги киради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Конституция давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳуқуқий принциплар ва нормаларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи, тизимлаштирувчи, шунингдек ижтимоий муносабатлар энг муҳим соҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан комплекс тартибга солинишини таъминловчи кодекслар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Қонуности ҳужжатларида қонун ҳужжатлари даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Буйруқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари ва идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиял органлари томонидан амалга ошириладиган давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда

худудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар, регламентлар, стратегиялар, концепциялар, доктриналар, дастурлар («йўл хариталари») ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Низом давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомили, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

Қоидалар бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

Йўриқнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди. Регламент давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Стратегия мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истикболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди. Концепция у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий

йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

Доктрина Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Дастур («Йўл харитаси») у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

ХУЛОСА

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил мақомдаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-682-сон 2020 йил 20 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони // www.lex.uz.
4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 592 б.
6. Ражабов А. Таълим муассасаларида ҳужжат турлари ва хусусиятлари // “Oriental Art and Culture” // № 6/2021.
7. <http://senat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати портали.
8. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
9. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. <https://president.uz/uz/lists/view/4212>
11. https://president.uz/uz/lists/category/5?menu_id=12